



Тикилиб турган билан турмуш ўзгариб қолмайди

2-с.

“Хориждан қайтиб, ҳаловат топаётган ёшларимиз кўп”

Олис юртларда ишлаб, Ватанига қайтган ёшларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқяпти.



3-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
12 апрел,
шанба

Маҳалла

WWW.UZMAHALLA.UZ

№30
(2254)

••••• ЁШЛАР СИЁСАТИ

РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ



Пойтахтимизда Маҳаллаларда ёшлар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси йиғилиши ўтказилди. Унда Республика комиссияси раиси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Куронбоев, вазирлик ва идоралар вакиллари, ҳоким ўринбосарлари ҳамда тегишли ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Жорий йил 14 февраль кунги давлатимиз раҳбари иштирокида ёшлар билан ўтказилган очик мулоқотда бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилган эди. Ушбу ташаббусларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида 26 март кунги Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, ташкилотлар ва раҳбарлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Шунингдек, давлат раҳбарининг 2025 йил 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Олий таъ-

лим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари имзолашиб, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир кенг қўламли имкониятлар яратилди.

Йиғилишда мазкур йўналишлар ижроси ва келгусидаги режалар муҳокама қилинди. Шунингдек, ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш, ишсиз ёшларни раҳбарларга бириктириш, “Шижоат ва ғайрат” ҳарбий-спорт мусобақалари, “Талабалар баҳори” фестивали ҳамда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга доир масалалар атрофлича таҳлил этилди.

БУГУНГИ СОНДА:

Тарбияга жиддий эътибор сабаб жиноятчилик жиловланди

Ёшларнинг турли бузғунчи ғоялардан йироқда бўлиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланишида ота-онанинг тарбияси муҳим. Шу боис умумтаълим мактабларида “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида вояга етмаганлар ва ёшлар билан учрашувлар ўтказилляпти.

5-с.

“Ёш келин-куёвларни намунали оилаларга бириктирамыз”

“Хотин-қизлар фаолининг бевосита оилалар билан ишлашни ҳисобга олади-ган бўлсақ, биринчи навбатда, ўзининг хонадони тинч бўлишини алоҳида эътироф этмоқчиман. Кимгадир йўл кўрсатиш, маслаҳат бериш осон эмас. Бунинг учун ўзимиз ўша доволарни босиб ўтган бўлишимиз зарур. Шу тамойил бўйича ишлаб, жорий йил бошдан буён 10 та оилани яраштиришга эришдик”.

6-с.

Камбағаллик бир кунда ёки бир йилда пайдо бўлмаган

Оилаларда камбағаллик йиллар давомида шаклланиб келган. Кўпчилигининг боқувчисидан ногиронлик мавжуд. Қизиқ тарафи шундаки, ўзи ночор аҳволда яшаётган бўлишга қарамай, меҳнатга лаёқатли бўлса-да, ҳеч қачонда ишлашни истамайдиган кишилар ҳам бор. Шундай вазиятларда фуқаро билан алоҳида иш олиб борилади.

7-с.

МАҲАЛЛАДАГИ 92 МИНГ АҲОЛИГА

1,5 ТРИЛЛИОН СЎМ КРЕДИТ БЕРИЛДИ

Жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли даромадини ошириш мақсадида ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан, тадбиркорлик қилиш истагини билдирган 92 минг нафар фуқарога қарийб 1,5 триллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш мақсадида “Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги доирасида ҳудудларга масъуллар бириктирилди. 478 минг гектар аҳоли томорқасига ва 209 минг ижара ер майдонларига баҳорги экинлар экилиши белгиланди. Бундан ташқари, тажриба-синов тариқасида Олтинкўл туманидаги “Садда” маҳалласида беш гектар, Балиқчи туманидаги “Сарнавул” маҳалласида беш гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонида енгил тилдаги иссиқхона хўжаликлари ташкил этилди. Иссиқхоналарни вақтинчалик фойдаланиш шarti билан икки йил муддатга 10 сотихдан жами 100 нафар “Камбағал оилалар реестри”даги фуқарога турт томонлама шартнома асосида тўғридан-тўғри ижарага бериш кўзда тутилган.



••••• ЖАРАЁН

••••• ҲАМКОРЛИК

Маҳаллалар бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вакиллари Қирғиз Республикасида бўлиб, ўзини ўзи бошқариш органлари тажрибаси билан танишяпти, ўзаро ҳамкорликдаги масалаларни муҳокама қиялпти.



Делегация аъзолари Қирғизистон Жогорку Кенешида Парламент вакиллари билан учрашув ўтказди. Президентимиз томонидан ташкил этилган “маҳалла етти-лиги” тизими депутатларда катта қизиқиш уйғотди. Парламент аъзоларига “еттилик” иши, маҳалла раисини сайлаш, ходимларни ишга олиш тартиблари ҳақида батафсил маълумот берилди. Учрашувда, шунингдек, ўзбек томонига Қирғизистон Парламентининг бугунги кундаги фаолияти хусусида сўзлаб берилди. Қирғизистоннинг бош кутубхонаси фаолияти билан танишилди. Қирғизистон Республикаси Миллий кутубхонаси Марказий Осиёдаги энг йирик кутубхоналардан биридир. Мамлакатнинг бош кутубхонаси қирғиз халқининг маданий бойликлари ва анъаналарини асраб-авайлаш борасида узоқ йўл босиб ўтди. Меҳмонларга кутубхона тарихи, бугунги кундаги фаолияти ҳақида маълумот берилди. Ўзбекистон томони мазкур муассаса учун таниқли адиб Чингиз Айтматовнинг ўзбек тилидаги асарларини тақдим этди.

Давоми 2-сифада.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИДА ФАОЛ БЎЛИНГ!



Анвар СОБИРОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи:

– Маҳалла ривож ва ободлиги бевосита раиснинг ташаббускорлиги ҳамда интилувчанлигига боғлиқ. Шу маънода бу йил ҳудудларда бўлиб ўтайдиган сайлов жараёни эртанги ютуқлар замини бўлиши шубҳасиз. Бунинг қилган ҳар бир фуқаро келажаги учун ўз овозини беришига ишонамиз. Мен ҳам инсонларнинг фаровон турмуш кечириши, ҳудудларимизнинг жиноятчилик ва ажрашишдан холи бўлиши, тадбиркорлик ривож топиши учун ўзим яшайдиган Яшнобод туманидаги “Дўстобод” маҳалласи раиси сайловида биринчилардан бўлиб иштирок этаман. Сизни ҳам ҳуқуқингиздан унумли фойдаланиб, жамиятдаги муҳим ваколатингизни масъулият билан адо этишга қаҳираман.





Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон банки гуруҳининг операциялар бўйича бошқарувчи директори Анна Бьерде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Миллий туризм ягона платформасига электрон виза бериш, чипта олиш жараёнлари уланади. Барча тарихий обидаларга кириш учун “ягона туристик карта” жорий қилинади.



Дунё мегаполисларида “Ўзбекистон инвесторлари куни” ташкил этилади.

●●●●● ҲАМКОРЛИК

Маҳаллалар бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Делегациянинг навбатдаги ташир бекати Қирғизистон Иқтисодиёт ва савдо вазирлиги бўлди. Мулоқотда қирғиз томони Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган маҳалла бюджетига алоҳида эътибор қаратди. Вазирлик мутасаддиларига маҳаллаларда шаклландиган бюджет ва уни сарфлаш тизими ҳақида маълумот берилди. Маълумот учун, 2024 йилда йиғинларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш мақсадида Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига 374,7 миллиард сўм маблағ туширилди. Шундан, 306,2 миллиард сўми мақсадли сарфланди.

Учрашувда делегация аъзолари Қирғизистондаги маъмурий-худудий ислохот натижалари, ҳудудларни ривожлантириш истиқболлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг комплекс режалари билан таништирилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари ташир бекатида Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат хизмати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш агентлигида учрашув ўтказди.

Мулоқотда икки мамлакат Президентла-

рининг сиёсий иродаси билан халқларимиз ўртасида дўстлик, биродарлик ришталари мустаҳкамланаётгани, яхши қўшничилигимизга кўплар ҳавас қилаётгани қайд этилди. Алоқаларнинг янги қирралари кашф этилаётганини мана шундай таширлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Учрашувда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Қирғизистон маҳаллий ўзини ўзи бошқариш иттифоқи ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Хўш, мазкур меморандумдан кўзланган мақсад қандай?

Маълумки, бугунги кунда “маҳалла еттилиги” вакилларидан ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ҳодим лавозимлари учун бўш иш ўринларига Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан очик танловлар ўтказиб келинмоқда. Бу борада кадрлар захирасини шакллантириш вазифаси ҳам Агентлик зиммасига юклатилган. Меморандумда кадрлар захирасини боийишда ҳамкорлик кўзда тутилган. Бундан ташқари, имзоланган мазкур ҳужжат доирасида самарали маҳаллий бошқарув, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида фаол мулоқотни йўлга қўйиш бўйича ҳамкорликда

амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган.

Делегация аъзолари Тараққиёт ислохотлари институтида ҳам бўлишди. Ушбу жамоат бирлашмаси Қирғиз Республикасида маҳаллий жамоалар ва давлат органларининг барқарор ривожланишига кўмаклашувчи нодавлат нотижорат ташкilotи. Унинг мақсади қонун ижодкорлиги, давлат ва муниципал бошқарувни ислох қилиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ташир бекатида меҳмонлар Ис-сиққўл вилоятининг Балиқчи шаҳрида бўлишди. Учрашувда делегация аъзолари Балиқчи шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш комплекс дастури билан таништирилди. Балиқчи шаҳри мерияси маълумотларига кўра, айни пайтда ҳудудда 57 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Тақдиротга кўра, бугунги кунда Балиқчига хорижий инвестициялар кенг жалб этиляпти. Ҳукумат томонидан 2025 йилда шахарга 300 миллион сом (23 миллион доллар) йўналтирилган. Жорий йилнинг ўзида ҳудудда янги кўнгли-очар масканлар, болалар боғчаси, замонавий бозор қад ростлайди.



●●●●● ЖАРАЁН

●●●●● МУЛОҲАЗА

Оҳангароннинг “оғир” ҳудудига оқова сув келяпти

Туман марказидан ўттиз километр олсида, “Оҳангарон — Нурафшон” автомобиль йўли бўйида жойлашган маҳалламизнинг ўзига хос тарихи бор. Бу ерда 1966 йилда “Эйвалек” маҳсус тош майдалагич заводи қурилган. Кейинчалик йиғин номин ҳам шундай атала бошланган.



Ҳамида ЭШБОЕВА, Оҳангарон туманидаги “Эйвалек” маҳалласи раиси.

Худудда уч мингга яқин аҳоли бўлиб, улар, асосан, “Эйвалек” маҳсус бетон заводида, пиллачилик, ёшиш ва калиш ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилади. Ҳозирча асосий “драйвер” — тикувчилик. Битта тикув цехи бор. Яна 50 та оила уйда тикувчилик билан шуғулланыпти.



Сўнгги беш йилда маҳалламизда катта ўзгаришлар бўлди. Хусусан, 23 та кўп қаватли уйга 7,5 километр тоза ичимлик сув тармоғи тортилди. Ушбу уйлардан чикувчи чиқинди сувларнинг қувурлари янгиланди. Ҳар бир кўп қаватли уйга иситиш тизими ўрнатилди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида қолиб бўлиб, 10-мактабни тўлиқ таъмирлади.

Яқинда ҳудудимизда катта озиқ-овқат дўкони очилиб, 10 нафар фуқаро ишли бўлди. Кўп қаватли уйлар орасига кўча дўконлар ўрнатиб, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиряпмиз. Эшик-дараза ва қумсувоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Худудда узоқ йиллар оқова сув йўқлиги сабабли аҳоли томорчаларидан фойдаланиш имконияти бўлмади. Маҳалламиз “оғир” худуд сифатида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурига киритилгач, сув муаммоси ҳал этиляпти. Ҳозир битта қудуқ қазилиб, фойдаланишга топширилди. Тез

”
Ҳамида Эшбоева
Маҳалла тизими
ходимлари кунда
“Маҳалла ифтихори”
кўкрак нишонин билан
тақдирланди.

орада иккинчиси ҳам ишга туширилади. Натижалар узоқ куттирмади, йигирмата хонадон эгалари томорқасида помидор, бодринг, баклажон, булғор қалампир, турли хил кўкат қўчатлари етиштиришни бошлади. Дастур доирасида электр тармоғи янгиланиб, икки километр ички йўл асфальтланади.

Одатда, кундалик иш фаолиятини эрталаб кўчаларни айланишдан бошлайман. Аҳоли билан мулоқотда бўлиб, муаммо ва тақлифларини эшитаман. Сўнг идорага келиб, “маҳалла еттилиги” билан кунлик қилинадиган вазифаларни тақсимлайман. Кейин муаммоли хонадонларни ўрганиб, зарур ҳолатларда масул ташкилот ходимлари билан боғланиб, муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қиламиз.

Бугун ҳар бир масалани маҳалланинг ўзида ҳал этиш имконияти бор. Мана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда йиғинни ишсизликдан холи худудга айлантириш устида ишлаяпмиз. Тадбиркорлик соҳасини иккинчи “драйвери” мизга айлантирмоқчимиз.

ТИКИЛИБ ТУРГАН БИЛАН ТУРМУШ ЎЗГАРИБ ҚОЛМАЙДИ

Маҳалла тизимида ишнинг тўғри ташкил этилиш кўп жиҳатдан раиснинг ундабуронлиги ҳамда бошқарув қобилиятига боғлиқ. Айниқса, янги тизим бўйича “еттилик”ни бир мунгт сифатида бирлаштириш, ҳаммани ягона мақсад сари йўналтириш юклатилиш вазифаларни тўлақонли адо этишда катта аҳамият касб этади.

Муҳибилла ҒАҒФОРОВ,
Тўрақўрғон туманидаги “Бекобод” маҳалласи раиси.

“Драйвер”имиз — боғдорчилик, ҳамманинг уйда узум, гилос, лимон каби маҳсулотлар етиштирилади. Кўпчилик кундалик рўзгор учун керак бўладиган мева ва сабзавотларни томорқасида етиштиради. Йилдан-йилга одамларнинг ердан унумли фойдаланиш тажрибаси ортиб бормоқда.

Абдумалик Йўлдошев анча вақтдан бери бодомдан мўл-қўл ҳосил олмоқда. Бундан ташқари, саримсоқпиез орасига картошка экиш тажрибасини қўллаб, яхши натижага эришиб келяпти. Куз-киш мавсумида оғилхонада мўътадил ҳарорат ташкил этиб, лимон ўстиряпти. Бу фуқаро таваккал қилишдан сира қўрқмайди. Янгидан-янги тажрибаларни амалиётга жорий қилиб, ҳаммага намуна бўляпти.

Маҳалламизда баҳор бошлангандан буён ободонлаштириш ишлари бир-бирига уланиб бормоқда. Янги ниҳоллар ерга қадаляпти. Кўчалар асфальт қилиняпти. Дарахтларни оқлаш ишларини тўлиқ якунига етказдик. 80 дан ортиқ тунги ёриткичлар ўрнатилиб, худудимизни янада нурафшон масканга айлантирдик. Йил якунига қадар бошланган бу хайрли ишларни тўлиқ якунига етказишни мақсад қилганмиз.



“Еттилик” ходимларининг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, маҳалламиз ўтган йили “қизил” худуддан “яшил” худудга ўзгарди. Жиноятчилик, хукукбузарлик ва ажрашишларни охиригача бартараф қилдик. Эришилаётган бу натижалар бизга куч ва ғайрат бағишляпти.

Маҳпора Абдуллаева кўли гул чеварларимиздан. Кичик корхонасида 10 нафар шоғирди билан кийим-кечак, кўрпа-тўшак тикади. Қолаверса, 5-6 нафар аёлнинг касаначилик асосида бандлигини ҳам таъминлаган.

Худудимизда камбағал оилалар сони 12 та бўлиб, кўпчилиги боқимандалик қайфиятидаги кишилар. Тизимли ишлар асосида бу фуқароларни меҳнат қилишга жалб этилди. Тикилиб ўтирган билан шароити ўнгланиб қолмаслигини тушуниряпмиз. Фақат 2 та хонадонда вазият бироз оғир. Улардан бири икки йил аввал боқувчисини йўқотган. Уч нафар фарзанди билан ночор турмуш кечираётган эди. Ҳомийлар кўмаги билан олти хонали уй қуришга кўмаклашдик. Ҳозир том қисмлари тўлиқ ёпиб бўлинган. Бундан ташқари, доимий равишда озиқ-овқат ҳамда кийим-кечак маҳсулотлари етказиб берилляпти.


Маҳалла бор экан, эҳтиёжманд инсонлар ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди. Ҳеч қачон уларни қўллаб-қувватлашдан тўхтамаймиз.

●●●●● СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Такрорий сайлов ўтказиш мумкинми?

Адиба ҚЎЛДОШЕВА,
Андижон вилояти:

— Яқинда маҳалла раислари сайлови бўлиб ўтади. Агар сайлов жараёнида қандайдир муаммоли ҳолат юзага келса, такрорий сайлов ўтказиш мумкинми?



Баҳром КУШБАКОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
масул ходими:

— Агар фуқаролар йиғини раиси лавозимига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса фуқаролар йиғини (фуқаро-

лар вакилларининг йиғилиши) такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.


Такрорий овоз бериш “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонун талабларига риоя этилган ҳолда бир ойлик муддатдан кечиктирмадан ўтказилади. Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланган ҳисобланади.



Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва Конимех тумани Зафаробод шаҳарчасидаги бюджет ташкилотлари ходимларига устама тўлаш тартиби белгиланди.



Барча концерт-томоша тадбирларида фонограммадан фойдаланиш 2025 йил 1 майдан бошлаб босқичма-босқич чекланади.



Ўзбекистон ва Хитой: маҳаллий бюджетлар дастури билан боғлиқ лойиҳалар йўлга қўйилади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Нодира ҚОДИРОВА.
Поп тумани:

— Икки ёшга тўлмаган фарзандим бор. Давлат ташкилотиди ишлайман. Фаолиятимиз “КРІ” бўйича баҳоланади. Унга кўра, ой якунида 75 баллик кўрсаткичга эришилмаса, ходим ишдан озод қилинади. Утган ой якунида мен 75 балл тўплай олмадим. Энди мени ишдан бўшатишадими?

“КРІ” БАЛИ ПАСТ БЎЛСА, ИШДАН БЎШАТИЛАДИМИ?



Улуғбек ИСМАТУЛЛАЕВ,
Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари:

— Бу вазиятда сизни ишдан бўшатиш ҳам, огоҳлантириш хати бериш ҳам мумкин эмас. Бойси Меҳнат кодексининг 163-моддасига кўра, хомладор аёллар ва уч ёшгача боласи бўлган ходимлар учун кафолатлар беришни назарда тутадиган талабларга риоя қилмасдан иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш таъкикланади. Мана шу қоидага кўра, икки ёшли фарзандингиз бўлгани сабабли сиз билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчи ўз ташаббуси билан бекор қила олмайдди. Яъни айни вазиятда “КРІ” бўйича кам балл тўплаганингиз ишдан бўшатиш учун асос бўлмайди. Бу ҳолатда туман адлия бўлимига мурожаат қилишингиз лозим.

ЖАРАЁН

“ХОРИЖДАН ҚАЙТИБ, ҲАЛОВАТ ТОПАЁТГАН ЁШЛАРИМИЗ КЎП”



Жамиятимиздаги ҳар бир ёшнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, муносиб меҳнат қилиб яшаши, фаровонлик сари интилиши — бизнинг асосий мақсадимиздир. Айниқса, олис юртларда ишлаб, турли тақдир синовларини бошидан ўтказиб, ниҳоят юртга қайтган ёшлар учун қўлай иш ўрнини яратиш ҳамда уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида ҳаракатдамиз.

Жасурбек НАСРИДДИНОВ,
Андижон тумани “Полосон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Шу мақсадда жорий йил бошидан буён 11 нафар маҳалладошимизни миграциядан қайтариб, уларни иш билан таъминлаш чораларини кўряпмиз. Хориждан қайтган ҳар бир ёш билан алоҳида суҳбатлар олиб борилди. Уларга ҳаётда янги саҳифа очиш, ўзини топишига имкон яратилди. Бу йўлда берилган ваъдаларимизни бажариб, уларнинг баъзиларини хунармандчиликка, бошқаларини эса корхоналарга ишга жойлаштирдик. Хусусан, Мухаммадали Араббоевни уста сифатида мактабга, яна бирини газ қўйиш шохобчасига ишга жойладик.

“Полосон” маҳалласи футбол жамоасига туман ҳокими томонидан Дубайга саёхатга йўланма топширилди. Бундан ташқари, ғалаба эвазига стритбол ва воркаут спорт майдонлари куриб берилди.

Яна бир йигит Олимжон Турсунов билан хорижга қайтиб кетиши олдидан жиддий суҳбат қилдик. Суҳбат давомида Олимжон 4 ой вақт мобайнида ўз оиласига бирор марта маош юбормаганини аниқлаб, шу ерда унга мос иш ўринларини таклиф қилдик ва уни “Равнак тараққиёт орзуси” масъулияти чекланган жамиятида пойабзал ишлаб чиқариш корхонасида ишга жойлашишига ёрдам бердик. Ҳозирда Олимжоннинг ойлик маоши 5 миллион сўмга етди ва бу — унинг биринчи қадами. Миграциядагилардан ташқари, яна 30 нафар ёш хусусий корхоналарга жойланди. Кўпчилиги турли йўналишларда ўзини ўзи банд қилди. Бобур Холдорев катта йўл бўйида хусусий ошхона очди. Бу борада унга кадастр ва солиққа оид муаммоларини ҳал этишда йўл-йўриқ кўрсатдик. Бобур 30 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаб, ойига 20-25 миллион сўмгача фойда қиялпти. Бошқа ёшларга уни намуна қилиб кўрсатаман. Яна бир ёшимиз ҳарбий хизматни ўтаб, бир йилдан буён иш тополмай, масъумий ишда ишлаб келарди. Хатлов орқали у йигит ҳақида керакли маълумотларга эга бўлди ва қизиқиши бўйича Мудофаа бўлимига ишга жойладик. Маҳалламиз ёшлари респуб-

лика бўйлаб ўтказилаётган “Беш ташаббус олимпиадаси” доира-сидаги мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритмоқда. “ДХХ кубоги”да футбол бўйича республикада 3 ўринни эгаллади. Шу боис “Полосон” маҳалласи футбол жамоасига туман ҳокими томонидан Дубайга саёхатга йўланма топширилди. Бундан ташқари, ғалаба эвазига стритбол ва воркаут спорт майдонлари куриб берилди. Ёшларимизнинг ушбу ютуғи бошқаларнинг ҳам жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишини оширди. Ёш иқтидорли спортчиларнинг эса профессионал маҳорат ва кўникмаларини ривожлантирди. Битирувчи ёшларимиз ҳозирда университетга кириш имтиҳонларига тайёрланипти. Уларнинг аксарияти иқтисодиёт йўналишига топширмоқчилигини билдирди. Уларга битта ўринга 15-20 нафар одам тўғри келишини, ҳамма бир йўналишга ҳаракат қилса, имтиҳондан йиқилишини тушунирдим. Шундай бўлмаслиги учун ёшларга хусусий университетларга киришини тавсия қиялпман. Шартнома пули ҳам унчалик баланд эмас. Жуда камчилиги ўқишга қабул қилиниб, қолгани киролмаганидан кўра, ҳозирдан тўғри қарор қабул қилиши учун турли университетларга йўналтиришга уринялпман.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

МУҲИМИ, МАҲСУЛОТЛАР ХАРИДОРСИЗ ҚОЛМАЯПТИ

Навбахор туманидаги “Кўхрон” маҳалласида ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Маъмур маҳаллада иш-тикомат қилувчи Маҳмуд Саидмуродова ҳоким ёрдамчиси кўмағида 15 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, қандолатчилик фаолиятини йўлга қўйди. Натижада у ўз даромад манбаига эга бўлди. Шунингдек, маҳалладаги бир қанча ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлашга ҳисса қўшди. Маъмур Эшовга ҳам “маҳалла еттилиги” тавсияси билан 100 миллион сўм кредит ажратилди. У чинничилик фаолиятини кенгайтириб, оилавий корхонани ташкил этди. Натижада янги иш ўринларини яратиб, 25 нафар хотин-қизни ишли қилди. Тадбиркор ойига ўртача 10-15 миллион сўм даромад топтомоқда. Маҳсулотлари, асосан, ички ва ташқи бозорда сотилади. Ўқитиборлиси, тадбиркор бошлаган фаолият тури вилоятда ҳозирда ягона ва бунинг учун керакли вазифаларни бажарувчи ускуналар олиб келинган.



Бу каби амалий ишлар аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромад манбаига эга бўлишида ўз самарасини кўрсатмоқда.

ИМКОНИАТ

КРЕАТИВ ПАРКЛАР ЁШЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ЯРАТАДИ

Ўтган йили Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар билан мулоқотида пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида тажриба-синов тариқасида креатив парк ташкил этилганини маълум қилганди. Ушанда энди бундай парклар ҳудудларда ҳам пайдо бўлиши айтилган, улар зарур ресурслар ва инфратузилма билан таъминланиши таъкидланган эди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА,
“Mahalla” мухбири.

Хўш, аслида креатив парк нима? Унинг ёшлар ҳаётидаги ўрни қандай? Креатив парк, бу — ижодий соҳаларда ишловчи ёшлар, стартаплар ва компанияларни қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган замонавий марказ ёки ҳудуд ҳисобланади. У ерда технологиялар, дизайн, маданият, медиа, мода, “IT”, музика, анимация, кино, реклама ва бошқа креатив йўналишларда ишловчи инсонлар бир жойга тўпланиб ишлаши, ҳамкорлик қилиши

ва ривожланиши учун барча шароитлар яратилади. Бу ўринда креатив парkning асосий вазифалари нималардан иборат, деган савол юзага чиқиши, табиий. У ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, яъни стартаплар ва кичик бизнеслар учун имкониятлар яратади. Маҳорат машғулоти ва семинарлар орқали билим беради ҳамда турли соҳа вакилларини бир жойга жамлаб, инновацион ғояларни илгари суришда муҳим қадам ҳисобланади. Шунингдек, офислар, коворкинглар, студиялар, лабораториялар ва бошқа зарур техник базалар орқали инфратузилма билан таъминлашда асқотади.







Нега бу муҳим дейсизми? Чунки креатив индустриялар замонавий иқтисодиётда катта ўрин эгаллаб бормоқда. Ўзбекистон ҳукумати ҳам бу соҳага жиддий эътибор қаратиб, ҳар бир вилоятда креатив парклар ташкил этилишини режалаштирган. Бу эса

ёшларнинг ўз юртида қолиб, замонавий ва глобал миқёсда рақобатбардош бизнеслар очишига ёрдам беради. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга оширишга

доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони имзоланди. Фармонга кўра, креатив индустрия парки, ҳудудларда унинг филиаллари ҳамда уларда креатив соҳа вакилларини ўқитадиган бизнес мактаблари ташкил этилади.

Креатив парк, бу — ижодий соҳаларда ишловчи ёшлар, стартаплар ва компанияларни қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган замонавий марказ ёки ҳудуд ҳисобланади.

Креатив парк резидентлари 2025 йил 1 майдан 2031 йил 1 январгача ижтимоий солиқни ҳамда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини 50 фоиз қайтаришга ҳаққонли бўлади. Шунингдек, улар даромадидан қатъи назар айланмадан олинган солиқ тўловчилар тоифасига киритилади. Бунда улар ўз истагига биноан, умум-белгиланган солиқ солиш тартибига ўтишлари мумкин. Бундан ташқари, хорижий тиллар бўйича камида C1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатни олганига икки йилдан ошмаган ёшларга олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда чет тилларига ихтисослашган ўқув марказларини очиб учун 6 ойлик имтиёзли давр билан 3 йил муддатга БХМнинг 320 бараваригача миқдорда физсиз сусуда берилади. Умуман олганда, Ўзбекистонда ёшларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва креатив саноатни қўллаб-қувватлаш мақсадида креатив парклар ташкил этилади. Бу орқали ёшларни замонавий билимлар олишига шароит яратилади, ўз имкониятларини юзага чиқаришига муносиб ҳисса қўшилади.



A black and white photograph showing a group of men in military uniforms standing in a line, flanking a central figure who is standing on a patterned carpet. The background features a sign that reads "MAHALLA XALQ VIJDONI" and a flag.

Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Самарқанд вилояти
бошқармаси.

Муҳаммаджон САЛАЕВ,
Урганч туманидаги “Арбоблар”, “Бўстон” ва “Олтинкўл” маҳаллалари солиқ инспектори.

ва ер солигидан йиллар давомида қарздорлиги кузатилар эди. Ҳозир тушунтириш ва тарғиботларимиз натижасида солиқ қарздорликларни ўз вақтида тўлаяпти.

**Муҳаммадҷон Салаев
Маҳалла тизими
ходимлари кунда
“Маҳалла ифтихори”
кўкрак нишони билан
тақдирланди.**

Айни пайтда “Арбоблар”, “Бўстон” ва “Олтинқул” маҳаллаларида 124 та юридик корхона, 12 та давлат ва ношарат ташкилотлари, битта фермер ҳўжалиги, 198 нафар якка тартибдаги тадбиркор 94 та деҳқон ҳўжалиги (фермер ва деҳқон ҳўжалиги қўшни маҳаллалардаги ер майдонларида фаолият кўрсатишда) бор.

Маъруз ҳудудлар шахар маркази ва катта йул бўйида жолашгани учун янги иш ўринлари ташкил этиб, солиқ тушумларини ошириш имконияти бор. Шу боис мавжуд имкони-ятлардан келиб чиқиб савдо-сотик, маиший хизмат кўрастиш соҳаларини кенгайти-ряпмиз. Колаверси, "Арбоблар" маҳалла-сида ўнга янги кўп қаватли тураржойлар қуриляпти. Келгусида уларнинг биринчи қаватида кўплаб хизмат кўрастиш ва чакан савдо дўкон-лари ташкил этилади. Шунда тадбиркорлар сони ортиб, янги иш ўринлари яратилади. Бу, ўз наватида, кў-шимча солиқ тушуми-ни таъминлайди.




**FOYDA SOLIG'I
HISOBOTI**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Солиқ кўмитаси солиқ тўловчилардан ҳисоботларда асоссиз харажатларни кўрсатмаслик, фойда солиғи базасини тўғри шакллантириш орқали солиқ ҳисоботларини ўз муддатда тақдим этишларини сўрайди.

Солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати

Солшқ аудитти қандай ҳолларда ўтказиладди?

– Ҳозирги кунда даъво муддати бўйича уч йиллик солиқ аудити қандай ҳолларда ўтказилади?



– Хар хил соликларни тўлшадан қочиш йўлларидан фойдаланиб, тўғри ишлашни мақсад қилмаган ҳўжалик субъектларга уч йиллик давло муддати бўйича солиқ аудити ўтказилди. Унда фойалиятини тўғри ишлашни мақсад қилиб юритиш ёки умуман фойалият юритмаслик масаласи қўриб қиличди.

Солиқ аудитида корхона солиқдан қочиш йўллариан тарк этиб, келусида ҳалол тадбир-корлар қаторида иш юритиш бўйича тушунти-риш ишлари олиб борилади.

Агар фаолиятингизда турли тўсиқларга учраётган бўлсангиз, Бизнес-омбудсманга **1100** қисқа рақами, Тадбиркорлар виртуал офиси ёки **info@biznesvakil.uz** электрон манзили орқали мурожаат йўланг.





Транспорт воситаларини пиёдалар йўлакларидан юргизганлик учун жавобгарлик белгиланди.



Ҳарбий хизматчиларга турар-жойни ижарага олганлик учун тўланадиган компенсация миқдори оширилди.



Экологик носоз деб топилган машиналар ҳайдовчиларига чора кўрилади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ТРЕЙДЕР ФИРИБГАРЛАРИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Сохта трейдер фирибгарлари – бу молиявий бозорларда, яъни фонд бозори, криптовалюталар ва ҳоказалар орқали одамларни алдаб, пул ишлаганга ҳаракат қилувчи фирибгарлик туридир. Улар турли хил найранг ва усуллардан фойдаланиб, қўштирноқ остидаги инвесторлар, яъни оддий қилиб айтганда ишонувчан одамларнинг пулларини ўғрилаганга ҳаракат қилади.



Хўш, трейдер фирибгарлари қандай ишлайди?

Биринчидан, ёлғон ваъдалар беради. Улар тез ва осон фойда олишингиз мумкинлиги ҳақида сўзлаб, юз фоиз кафолатланган даромад ваъда қилади.

Иккинчидан, қалбаки платформалар яратдилар. Бу жараёнда фирибгарлар "IT" имкониятларидан фойдаланиб, ўзлари сохта трейдинг платформаларини ишлаб чиқиб, одамларга пул тикиб, фойда олишни таклиф этади. Бошида ҳисобингизга катта миқдорда пул ҳам ўтказиб беради. Ишончингизга кириб бўлгач, ўзлари тузган биржа катировкаларига ўхшаш дастурларни сизга бериб, қайси акцияларни сотиб олиш кераклиги ҳақида маслаҳат бериб боради.

Гўёки ўзларини сиз билан яқин шерикдек тутати. Аммо вақти келиб, сохта платформадаги шунчаки клавиатура орқали кўпайтирилган, гўёки сизнинг пулингиз сифатида тақдим этилаётган сохта рақамлар кўринишидаги пуллари "энди ечиб бер, даромадимни олам", деганингизда пуллари ечишга йўл қўймайди. **"Сизнинг солиқдан қарзингиз бор экан, Ўзбекистонга пул ўтказиб бўлмайти"** ёки **яна бошқа баҳоналар билан сизни алдаб, аксинча, яна шунча пул берсангиз, икки ҳисса қилиб қайтаришни айтиб сизни алдайди.**

Мисол учун, платформадаги ҳисобингизда 5 минг АҚШ доллари бор. Уни ечиб олиб, картангизга ўтказиб бериш учун яна шунча пул сўрайди. Сиз бу пуллари топиб, уларнинг ҳисобига ўтказиб берганингизда алоқани узди. Уларга сиздан ўша 5 минг АҚШ доллари керак эди, холос.

Учинчидан, улар фейк мутахассислар ва гуруҳлар тузиб ишлайди. Хусусан, телеграм, инстаграм ёки бошқа ижтимоий тармоқларда муваффақиятли трейдер сифатида кўринишга ҳаракат қилувчи шахслар ўзларини реклама қилиб, эътиборингизни тартади. Улар одатда ёлғон скриншотлар, сохта даромад ҳисоблар ва рекламалар орқали одамларни жалб қилади. Асосан, ўзлари тўплаган маълумотлар базасидан аҳолининг ёш қатлами ва кекса одамларни танлайди.

Тўртинчидан, қайта алдаш. Бу усул трейдингда пул тикиб алданиб қолган шахсларга нисбатан қўлланилади. Фирибгарлар пулидан айрилган шахслар билан боғланиб, ўзларини "Халқаро арбитраж судидан ёки халқаро адвокатлик бюросиданман", деб таништиради. **"Сиз яқинда алдов қурбонига айландингиз, катта миқдорда пулингиздан айрилдингиз, биз сизга пулларингизни қайтариб олишда ёрдам берамиз"**, деб мурожаат қилишади. Бунинг учун давлат бож сифатида 10 фоиз ёки яна бошқа суммани тўлаб беришингизни сўрашади.

Агар сизга шундай хабар келса, билингки, бу ҳам фирибгарликнинг бир тури. Сохта трейдингинг давоми ҳисобланади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сизнинг трейдингда алданганингизни халқаро ҳуқуқ посбонлари қаердан билади?! Ахир сиз ҳеч кимга ариза билан мурожаат қилмаганизиз-ку!

Унутманг, текин пиллоқ қопқонда бўлади. Фейк видеороликларда кўрганингиздек, катта миқдордаги пулни осонгина сизга ҳеч қим бермайди. Аслида бу турдаги бизнес билан маълум молиявий билимларга эга бўлмай туриб, шуғулланиш тавсия этилмайди.

Эҳтиёт бўлинг, фирибгарларга алданиб қолманг!

Тошкент шаҳар ИИББ
Ахборот хизмати

Тарбияга жиддий эътибор сабаб жинойтчилик жиловланди

“

АБДУМАННОБ
ТУРСУНҚУЛОВ
МАҲАЛЛА
ТИЗИМИ
ХОДИМЛАРИ
КУНИДА
“МАҲАЛЛА
ИФТИХОРИ”
КЎКРАК
НИШОНИ
БИЛАН
ТАҚДИРЛАНДИ.



Маҳалламиз туман марказидан 22 километр олинса, Қозоғистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Бу ерда иккита умумтаълим мактаби, иккита чорвачилик фермер хўжалиги, тикувчилик цехи, иккита новвойхона, йигирмага яқин савдо дўконлари бор. Бугунги кунда йиғиндаги мингдан ортиқ оила аъзоларининг аксарияти ушбу йўналишларда меҳнат қиляпти. Чорвачилик фермер хўжаликларининг ўзида 400 нафар киши банд. Шунингдек, хонадонларида деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, қўшимча даромад тоپяпти. Бу борада "Сайхунобод тажрибаси"дан кенг фойдаланиляпти.

Менинг асосий вазифам – маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш, жинойтчиликнинг барвақт олдини олишдир. Бу борадаги ишларни Президентимизнинг "2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган муҳим вазифалардан келиб чиқиб давом эттиряпмиз.

Аввало, ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш учун кириш-чиқиш кўчаларига, жамоат жойлари ва савдо дўконларига замонавий видеоқурilmалар ўрнатиб, хизмат хонамга интеграция қилдик. Аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни киберхавфсизлик ва турли фирибгарликлар ҳақида халқардор этиб, сабабларини

ралари кўриляпти. Шутарика нотинч оилалар яраштирил-япти, ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилиб, даромадли қилиняпти.

Ёшларнинг турли бузғунчи ғоялардан йироқда бўлиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланишида ота-онанинг тарбияси муҳим. Шу боис 19- ва 20-умумтаълим мактабларида "мактаб – ота-она – маҳалла" ҳамкорлигида вояга етмаганлар ва ёшлар билан учрашувлар ўтказиб, юриш-туришида, тарбиясида ноҳуя хатти-ҳаракатлар кузатилаётган ўқувчиларнинг ота-оналарини қақиртириб, фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишини сўраяпмиз. Бундай ҳолатлар қайта такрорланса, тегишли чоралар кўриляпти.

Бу жараёнда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бунинг учун ҳар икки мактабда фан ва спорт тўғрисидаги ташкил этилган. Мини футбол стадиони ёшлар ихтиёрида. Ёшлар етакчиси ҳамкорлигида турли фан, санъат ва спорт мусобақалари ўтказиб келиняпти.

Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ҳар бир профилактика инспектори аҳоли билан доимий мулоқот бўлиб, уларга телефон рақамини бериб, мунтазам ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бурса, маҳаллани жинойтчиликдан холи ҳудудга айлантириш мумкин. Бу борада хизмат уйлари зарур. Чунки профилактика инспекторининг хиз-



"Маҳалла еттилиги" ташкил этилган, бизнинг маҳаллада ҳам катта ўзгаришлар бўляпти. Аҳолининг кўпйлаб масалалари йиғиннинг ўзида ҳал этилиб, фаровонлиги ортапти. Айниқса, ишсизлик даражаси кескин камайди. Айни пайтда ўттиздан ортиқ фуқаро чет элда меҳнат қиляпти. Улар билан доим алоқадамыз.

Одатда, кунлик иш фаолиятини маҳалла идорасидан бошлайман. Ҳар куни маҳалла раиси бошчилигида "еттилик" аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказиб, ўз йўналишларимиз бўйича мавжуд муаммоларни муҳокама этиб, кунлик вазифаларимизни белгилаб оламиз.

тушунтириб боряпман. Жинойтларнинг аксарияти тунги вақтда содир бўлишини инобатга олиб, кўчабошилари, фаоллар ва ёшлардан иборат тунги навбатчилик гуруҳларини ташкил этиб, кузатув-назорат тадбирларини йўлга қўйдик. Шунингдек, хонадонма-хонадон юриб, нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган ва руҳий касалликка чалинган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишляяпман. Ҳар бири ҳақида "маҳалла еттилиги" аъзоларига ўз йўналишлари бўйича ижтимоий хулоса бериб, ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чо-

мат уйи ва машинаси бўлса, кечаю кундуз ўзига бириктирилган ҳудудда бўлиб, ҳар бир хонадон билан самарали ишлаш, жинойтчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш имкони бўлади. Мен ҳам оилам билан ушбу маҳалладаги хизмат уйимда яшаб, тарғибот ишларини янада кучайтириб, "маҳаллабай", "фуқаробай" ишляяпман. Бунинг натижасида "сарик" тоифадан "яшил" тоифага ўтдик.

Абдуманноб ТУРСУНҚУЛОВ,
Мирзаобод тумани
Тўғун Аҳмедов
номидagi маҳалла
профилактика инспектори.

НИКОҲДАН АЖРАШАЁТГАНДА МУҲЛАТ ТАЙИНЛАНМАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
2025 йил 9 апрелда тасдиқланган
қонун билан айрим қонун
ҳужжатларига қўшимча ва
ўзгартiriшлар киритилди.



Оила кодексига киритилган қўшимчага кўра,

ажратиш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда суд оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахснинг талабига асосан, ярашиш учун муҳлат тайинламайди.

Бундан ташқари, **Уй-жой кодексига киритилган қўшимчага кўра**, тураржойдан фойдаланиш ҳақидаги низолар кўриб чиқи-

лаётганда суд тарафларнинг келишувига асосан, тураржой мулкдорининг ташаббусига кўра тураржойга мажбурий тартибда киритилаётган тарафни мулкдорга тегишли мутаносиб шароитларга эга бўлган бошқа тураржойга киритиш ёки ижарага олинган уй учун ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини мулкдорнинг зиммасига юклатиш мумкинлиги белгиланди.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

ОБОДЛИК

Бу гузарда ростдан ҳам Тошкент бор дейсиз...

ҚЎҚОН ШАҲРИДАГИ "ТОШКЕНТЛИ
ГУЗАР" МАҲАЛЛАСИ "ЕТТИЛИГИ"
ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИ-
РИШГА АСТОЙДИЛ БЕЛ БОҒЛАШ-
ГАН. БУНДАН БЕШ ЙИЛ АВАЛ
МАҲАЛЛАГА КЕЛГАН ОДАМ БУГУН
КЕЛСА ТАНИМАЙДИ.

Мафтуна
МАМАСИДДИҚОВА,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Фарғона вилояти бошқармаси
матбуот котиби.



Бугун ерликлар энди оддий хизматлар учун шаҳар марказига боришга мажбур эмас, ҳамма нарса маҳалланинг ўзига олиб келиняпти.


Албатта, бунга яратилган имкони-ятлар орқали эришляпти. Маҳаллада уч йил аввал 50 та тадбиркорлик субъекти бўлган бўлса, бугун уларнинг сони 128 тага етди. Ушбу тармоқда 500 нафарга яқин аҳоли банд. Маҳаллада томорқачилик тармоғи яхши ривожланган. Бир қарич ери бор хонадонда бекорчи йўқ. Йилига 3-4 мартагача ҳосил олади. Асосан, помидор, бодринг, лимон етиштиради. Томорқачи Анваржон Ашуралиев ер билан тиллаша бошлаганига кўп бўлмади. Аммо ердан яхши даромад олишда катта тажриба тўплади.

Олтими ёшли Ноила опа Эҳсонова асли Бешариқ туманидан. Тирикчилик ташвишига ечим топиш учун дастлаб уч килограмм қурут олиб, уни сотиш билан иш бошлаган. Бугун эса республикадаги тажрибали қурут тайёрловчилардан бири.

Ақбархўжа Турсунов 20 йилдан буён ушбу маҳалла раиси. Унинг меҳнатлари алоҳида эътироф этилиб, "Меҳнат шухрати" ордени ҳамда "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони билан тақдирланди.

– *Сўнгги етти йилда маҳалла тизимида туб ўзгаришлар рўй берди, – дейди "Тошкентли гузар" маҳалласи раиси Ақбархўжа Турсунов. – Айниқса, "маҳалла еттилиги" ташкил этилиши барча учун қулайлик яратди. Йилдан тадбиркорлар сони ортиб, икки мингдан ортиқ қитлобларга эга кутубхона, "Ёшлар маркази", умумий овқатланиш шохобчаси, тикувчилик цехи, дёллар ва эркаклар сартарошхонаси каби ўнлаб янги объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.* Бугун мазкур маҳалла том маънода обод, файзли масканга айланган. Ҳўқанди латифга йўлингиз тушса, "Тошкентли гузар"ига бир қиринг. Маҳалла раисининг ташаббуси билан қуриллаётган сўритоклар соясида дам олиб, инсон қадри, устувор ислохотларга гувоҳ бўлиб кетасиз.

ЭШТИДНГИЗМИ?



2025 йил
I чорагида
15 033 нафар
фуқарога жами
4 458,6 млрд. сўм
ипотека
кредити
ажратилди



Сергели ва
Учтепа туманларида
ҳаво мониторинги
автоматик
станциялари
ишга
туширилди.



Ўзбекистонда
қарийб
5 минг нафар
мансабдор
коррупциявий
қилмишлар учун
жавобгарликка
тортилган.

6

№30 | 2025 йил 12 апрель, шанба

Mahalla

МУЛОҲАЗА

ХАБАРДОРМИСИЗ?

“Ёш келин-куёвларни намунали оилаларга бириктирамыз”

“

ТАШАББУС-
КОР ВА
ИНТИЛУВЧАН
ОПА-СИНГИЛ-
ЛАРИМИЗ
ХУСУСИЙ
БИЗНЕС ОЧИБ,
АТРОФИДАГИ-
ЛАРИНИНГ ҲАМ
БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ-
ГА МУНОСИБ
ХИССА ҚЎШ-
МОҚДА.



Зарнигор ҲАСАНОВА,
Қўрғонтепа туманидаги
“Зарбулок” ва “Қирлик”
маҳалласи хотин-қизлар
фаоли, “Маҳалла ифтихори”
кўкрак нишони соҳибаси.

Маҳалламыз жиноятчилик ва ажрашишдан холи бўлгани боис “яшил ҳудуд” сифатида эътироф этилган. Одамларимизнинг кўнгли жуда очик. Ҳамма бир-бирига ёрдам беришга, қўллаб-қувватлашга ошўфта. Бекорчилар деярли топилмайди. Эркак аёл эрталаб шошиб ишга кетади, шом вақти уйга қайтишади. Ортиқча гап-сўзга ҳеч кимнинг тоқати йўқ.

Айни вақтда ҳудудимизда 1 790 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Уларнинг 150 нафарга яқини атрофимиздаги тикувчилик корхоналарида фаолият юритишадди. Маоши 3 миллион сўмдан бошланиб, 7-8 миллион сўмгача боради. Қатнаш учун транспорт воситаси йўлга қўйилган. Тушликни корхона ташкиллаштириб беради. Ёш болали аёллар фарзандини хонадонларда очилган боғчаларга беришган. Шу тарзда ҳамма ҳаракат қилиб рўзгорига барака киритиш пайида.

Ташаббускор ва интилувчан опа-сингилларимиз хусусий бизнес очиб, атрофидагиларнинг ҳам бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, Муаттар Ғофурова бундан тўрт йил муқаддам кичик савдо дўкони очган эди. Вақт ўтиши билан уни кенгайтириб, ҳозир тадбиркорга айланди. Турмуш ўртоғи, синглиси ҳамда яна икки кишининг ишли бўлишига имконият яратди. Муаттар опа фаолияти давомида маҳалла тавсияси билан бир неча марта имти-

“

Опа-сингилларимиз орасида хунармандчилик ортидан яхшигина даромад топаётганлар ҳам талайгина.

ёзли кредит олган. “Еттилик” вакиллари бу каби мақсад сари олға ҳаракат қилаётган инсонларни қўллаб-қувватлашдан чарчамаймиз.

Опа-сингилларимиз орасида хунармандчилик ортидан яхшигина даромад топаётганлар ҳам талайгина. Жумладан, Муқаддам Назаралиева уйида сунъий гўл ясаш билан машғул эди. Мижозлари кўпая бошлагач, имтиёзли кредит асосида бир бинони ижарага олиб, дўкон очди. Айни вақтда қизи ва келини яқиндан ёрдам бериб келяпти. Муқаддам опа совға қилган чиройли гуллар идорамизга ҳам ўзгача қиёфа бахш этган.

Хотин-қизлар фаолининг бевосита оилалар билан ишлашини ҳисобга оладиган бўлсак, биринчи навбатда, ўзининг хонадони тинч бўлишини алоҳида эътироф этмоқчиман. Кимгадир йўл кўрсатиш, маслаҳат бериш осон эмас. Бунинг учун ўзимиз ўша довлонларни босиб ўтган бўлишимиз зарур. Шу тамойил бўйича ишлаб, жорий йил бошидан буён 10 та оилани яраштиришга эришдик. Айримларининг орасидан учинчи шахс аралашуви сабаб гап қочган бўлса, баъзиларида эр-хотин келишмовчилиги. Бундай низоларни бартараф этиш биздан катта эътибор ва куч

талаб қилади.

Яқинда бир оилани муромага келтиришга эришдик. Хонадонда уч ака-ука бирга туришар эди. Улардан бири ичкиликка ружу қўйиш ортидан хотинига анча вақтдан бери қўпол муносабатда бўлиб келаётган экан. Бундан хабар топган келиннинг ота-онаси фарзандини уч нафар боласи билан уйига олиб кетишади. Оилани яраштириш учун биринчи навбатда, ҳовлидан улуш ажратиб, алоҳида уй қурилди. Сўнгра хотини ва болаларини ўзимиз ўртада қафил туриб, қайтаришга эришдик. Ҳоким ёрдамчиси йигитга бир неча жойдан иш таклиф қилди. Лекин яқин дўстлари хорижда экани, унга ёрдам бермоқчилигини айтиб, тавakkал қилишни танлади. Ҳозир яхшигина пул юбояпти. Муҳими, муносабатлар изга тушиб кетди.

Жорий йилда намунали оилалар сонини янада кўпайтиришни мақсад қилганимиз. Бунинг учун ёш келин-куёвларни ҳаммага ўрнатилган бўлиб келаётган хонадон вакилларига бириктиришни ўйлабмиз. Жараёнда улар ўзаро суҳбатлашиши, керакли маслаҳат ва йўл-йўриқлар олиши мумкин. Умид қиламизки, янги тажриба, албатта, ўз натижасини кўрсатади.



ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ГРАНТ АЖРАТИЛАДИ

Президентнинг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида кўра, 1 апрелдан Камбагал оилалар реестрига киритилган оилалар учун “Ижтимоий дафтарлар” жамғармалари орқали қўллаб-қувватлашнинг янги тизимлари жорий этилди.



Хусусан, камбагал хотин-қиз, ёш ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифалари бандлиги ҳамда ижтимоий фаолигини таъминлашга қаратил-

ган ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш учун тегишинча “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Саховат ва кўмак” жамғармалари ҳисобидан БҲМнинг 60 бараваригача грантлар ажратиш белгиланган.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

“МЎЎТАБАР АЁЛ” КЎКРАК НИШОНИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Қонунчиликка кўра, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилган бўлиб, мазкур мукофот билан қуйидаги хотин-қизлар тақдирланиши белгиланган:

- ✗ жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган;
- ✗ ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган;
- ✗ соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган.



Ҳунари бор аёлнинг ҳурмати баланд бўлади

ЖАРАЁН

Маҳалла тизимидан ишлайдиган ҳар бир ходим, аввало, ўзини тафтиш қилиш керак. Муомала маданияти, кийининг жиҳатидан атрофидагиларга намуна кўрсата оласанга, омма орасида муносиб ҳурмат қозонади.

Хадича АҲМАДАЛИЕВА,
Ўрта Чирчик туманидаги
“Йўнғичқоли” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Айниқса, хотин-қизлар билан ишлаш жараёнида бу жиҳатларнинг аҳамияти бўлакча.

Мазкур тизимдаги ўн би йиллик тажрибам давомида шу каби кўплаб ҳақиқатларни ўзим учун кашф этиб борапман. Аёллар билан қанча яқин бўлсам, уларга кўмак кўрсатиш ҳам шунча осон кечаяпти. Ишонган ва сирдоши сифатида кўрган инсонга ҳамма ҳам

дарду ташвиши, истаклари ҳақида очилиб сўзлайди. Табиийки, бу чора ва ечимлар топиш учун қўлайлик яратади.

Айни вақтда маҳалламизда 702 нафар хотин-қиз истиқомат қилаётган бўлиб, ҳар бирининг ўз олдига қўйган аниқ мақсад ва режалари бор. Қўпчилик “ривожланиш нукта”си ҳисобланган деҳқончилик ва чорвачилик билан банд. Ҳамма хонадонда қорамол боқилади, сут қатиқ ва сузма каби табиий маҳсулотлар сира узилмайди. Шу боис фарзандларимиз соғлом бўлиб вояга етишяпти. Таом учун ишлатиладиган сазавот ва полиз экинлари ҳам томорқаларда пишиб етиляпти. Ишнинг кўзини топанлар арзимас 3-4 сотихли еридан узлуқсиз равишда даромад топиб келмоқда.

Қамола Мирзатова дастлаб “Аёллар дафтари”га киритилган эди. Шу асосида ижара асосида 30 сотих ер олиб, дуккакли экинлар етиштиришни бошлади. Бундан ташқари, уйида боқаятган

5 та қорамол ва 30 бош товуғи учун озуқа бўладиган макка экиб, ортиб қолган маҳсулотларини сотаяпти. Сут ва қатиқнинг ортидан топаётган пули рўзгорининг кундалик харажатларини қоплаяпти.

Худудимизда хунармандчилик билан шуғулланадиган опа-сингилларимиз ҳам кўплаб топилади. Хусусан, Умида Худойбердиева ўтган йили маҳалла тавсияси билан 10 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Маболағ эвазига керакли ускуна ва хом-ашёлари харид қилиб, айни вақтда қўли-қўлига тегмай меҳнат қиляпти. Ёнида овсини дазмоллаш ва тўғри чокларини тикишга ёрдам берапти. Чевар буюртмаларни бажаришдан ташқари, тайёр маҳсулотлар савдосини ҳам ташкил этган. Келажакда алоҳида бинода фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирган.

Айни вақтда худудимиздан хорижда ишлаш учун чиқиб кетган мигрант аёллар 4 нафарни ташкил этади. Ҳар бири билан қўнғироқлашиб, ҳол-аҳволдан хабардор бўлиб турамыз. Ҳаммасининг олаётган маоши яхши, биттаси кекса ёшли фуқарони парвариш қилса, бошқаси қандолат ишлаб чиқариш корхонасида

“

Худудимизда хунармандчилик билан шуғулланадиган опа-сингилларимиз ҳам кўплаб топилади.




қадоқловчи бўлиб ишлайди. Бир аёл бундан анча йиллар аввал турмуши ўхшамай, 3 нафар фарзанди билан ажрашиб кетади. Йиллар давомида қийналиб турмуш кечиришди. Шундан сўнг чет элга кетишга қарор қилади. Интилиш ва ҳаракатлари самараси ўларок, 5 хонали уй қурди. Фарзандларини ўқитяпти. Уларнинг қаровини эса бувисига ишониб

топширган. Жорий йилда “Аёллар дафтари”га 52 нафар хотин-қиз киритилган бўлиб, шундан 38 нафарини ишсиз фуқаролар ташкил этади. Айни вақтда уларнинг 2 нафари чорвачилик қилиш мақсадида кредит олишди. Қолганларининг бандлигини ҳам қизиқишдан келиб чиқиб таъминлашни мақсад қилганимиз.



36 та туман ва шаҳарни этно, гастрономик, тиббий, экстремал, маданий-тарихий, зиёрат, қишки ва агротуризм асосида ривожлантириш бўйича катта дастур тасдиқланади.



Капсулали уйларни қуриш ва жиҳозлашга 10 миллион сўмгача субсидия ажратилади.



АҚШнинг OpenAI сунъий интеллект компанияси Ўзбекистонда ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

МАНЗАРА

Камбағаллик бир кунда ёки бир йилда пайдо бўлмаган

Оғир вазиятга тушиб қолган оилага кириб борар экан-миз, биринчи навбатда, кейс-менеджмент асосида сўровнома ўтказамиз. Сўнгра эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда керакли хизматлар кўрсатилади. Муаммоларига ечим топилиб, яшаш шaroити яхшилانган, ҳаёти фаровонлик сари йўналган инсоннинг юзидagi миннатдорлик, янгича яшашга бўлган иштиёқини кўриб, чарчокларимиз унут бўлади.



Сарвиноз УМАРОВА, Китеб туманидаги “Бештерак” маҳалласи ижтимоий ходими.



Қизиқ тарафи шундаки, ўзи ночор аҳволда яшаётган бўлишга қарамай, меҳнатга лаёқатли бўлса-да, ҳеч қаерда ишлашни истамайдиган кишилар ҳам бор.

Халқ билан ишлаш учун расмий вакил сифатида тайинланган ижтимоий ходим, аввало, виждонли бўлиши талаб этилади. Ҳар бир ёрдам ва кўмакни সিдақидилдан амалга ошириши, мурожаатчиларга адолат билан муносабатда бўлиши даркор. Қолаверса, кўп соҳалардан хабардорлик доим қўл келади. Хонадонларга кирганда, ҳар хил вазиятларга гувоҳ бўламиз. Баъзида психологик билим, айрим вазиятларда педагогик ёндашув керак бўлади. Ҳуқуқий саводхонлик эса инсонларга тўғри йўл кўрсатиш имконини беради.

Худудимизда 206 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро истикомат қилади. Кам таъминланган оилалар сони 192 та. 30 та хонадон эса камбағаллик реестрига киритилган бўлиб, уларнинг 6 таси раҳбар ходимларга бириктирилган. Шу кунга қадар мазкур оила вакилларига қатор хизматлар кўрсатилди. Хусусан, муҳтожларга “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам ажратилди. Электр энергияси учун бир марталик компенсация тўлаб берилди. Беморларнинг даволаниши ва дори-дармони учун керакли маблағлар йўналтирилди. Айримларига болалар нафақаси тайинланган бўлса, баъзиларининг ногиронлик

гуруҳи ўзгартирилди. Урганишларимга таяниб айтишим мумкинки, оилаларда камбағаллик йиллар давомида шаклланиб келган. Кўпчилигининг боқувчисида ногиронлик мавжуд. Қизиқ тарафи шундаки, ўзи ночор аҳволда яшаётган бўлишга қарамай, меҳнатга лаёқатли бўлса-да, ҳеч қаерда ишлашни истамайдиган кишилар ҳам бор. Шундай вазиятларда фуқаро билан алоҳида иш олиб бoрилади. Унга ҳаракат қилиши соғлиги ва оиласи учун қанчалик фойдали эканини яхшилаб тушунираемиз. Йўл кўрсатамиз, қаердан иш излаши мумкинлигини ўргатамиз. Бугун олаётган маоши эртага нафақага чиқишига замин бўлишини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бирда бўлмаса, бирда уринишларимиз ўз самарасини кўрсатяпти. Яқинда уйда бекор ўтирган фуқарони ишга жойлаштиришга эришдик.

Фаолиятимни бошлаганимдан буён 36 та кейс очилган бўлса, ҳар бири мен учун катта аҳамият касб этади. Хусусан, Илёс Мавлонов оиласига кўрсатилган ёрдамлардан кейин яқин қариндошлардек бўлиб кетдик. Фуқаро қурилишда ишлаётган вақтда бахтсиз ҳодиса туфайли 5-қаватдан йиқилиб тушди. Шифокорлар унга ёрдам кўрсатиш мақсадида беш марта жарроҳлик амалиётини ўтказишди. Лекин уринишлар бесамар кетиб, бемор бир оёғидан айрилди. Қасалхонадан чиққан вақти уни кўришга борганимизда, оғир тушкунлик

ҳолатида эди. Илёс акага далда бўлиш мақсадида тез-тез ҳолидан хабар олиб турдик. Турмуш ўртоғига қаровчилик далолатномаси расмийлаштирилди. Уч нафар фарзанди учун болалар нафақаси тайинланди. Кенжа ўли Камронбекни имтиёзли равишда мактаб-гача таълим ташкилотига жойлаштирдик. Электр энергияси учун бир марталик компенсация тўлаб берилди. Бундан ташқари, дори-дармони учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан маблағ ажратилди. Ногиронлик араваси учун ариза киритилди. Қўлтиқтаёқ ҳамда юриш мосламаси тақдим этилди. Эр-хотинни санаторийда даволаниши учун навбатга қўйдик. Оила вакиллари ўзини анча тиклаб олишган. Айни вақтда 30 сотихли майдонда ҳовуз қазиб, балиқчиликни йўлга қўйиш арасида турибди. Бўш ерларига 1 500 туп тол, 500 дона терак ҳамда 100 туп ёнғоқ дарахти экишди. Бу ишларни бажаришда Илёс аканинг 10- ва 11-синфда ўқийдиган фарзандлари катта ташаббус кўрсатишяпти.

Жорий йилда жигари кўчириб ўтказилган, 1-гурӯх ногиронлиги бўлган фуқарога ёрдам беришни мақсад қилганмиз. Унинг уйи яқинида боғча ҳамда мактаб борлигини инобатга олиб, кичик кўчама дўкон ташкил этмоқчимиз. Бу ерни керакли техникалар билан жиҳозлаб, компьютер хизматлари кўрсатишни йўлга қўямиз. Кичик кўмак ортидан бу кишининг даромад топишига эришишни ният қилганмиз.



МЕҲР ВА МУҲАББАТ ҚАЛБДАН ЖОЙ ОЛГАНИ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Олтинсой туманининг тоғ этакларида жойлашган “Қатта Вахшивор” маҳалласи ўзининг бетакрор табиат манзаралари, мусаффо ҳавоси ва сямимий одамлари билан ажралиб туради.

1994 йилда ташкил топган маҳалла бугун 2 484 нафар аҳолини ўз бағрига олган.

Худудда 180 нафарга яқин ногиронлиги бўлган фуқаро ва 72 нафар кам таъминланган оила бор.



Одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибат кучли, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжи бўлганлар эса ҳеч қачон ёлғиз қолмайди. Айниқса, сўнгги йилларда маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиб, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бор шахслар ва ёлғиз кексаларга доимий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Бу ишларда маҳаллада фаолият юритаётган ижтимоий ходим Гулабза Абдуалиеванинг ҳиссаси бекиёс. У бир йил давомида 80 нафардан ортиқ кишининг ижтимоий ҳаётга мослашувига кўмаклашиб, уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, оғирини енгил қилляпти. Гулабза опа учун ҳар бир инсоннинг дардини тинглаш, унга ёрдам қўлини чўзиш — оддий вазифа эмас, балки юракдан келадиган инсоний бурчдир. Шу боис маҳалла ахли уни “ижтимоий ходим” эмас, балки “жиян” деб қақиради. У ҳар бир оилага қалбдан яқин бўлиб кетган.

Эсмағ Жўрабоевга 2015 йилда қанд касалиги сабабли 2-гурӯх ногиронлиги белгиланган эди. 2024 йилда касалик асоратлари туфайли унинг тиззадан паст қисми ва қўлининг бармоқлари ампутация қилинди. Шундан сўнг ногиронлик даражаси 1-гурӯхга ўзгартирилди. Унга протез оёқ, катталар учун сайр қилишга мўлжалланган арава ва қўлтиқтаёқ олиб берилди. Ҳозирда уни реабилитация курсларида юбориш режалаштирилган.

Жалолиддин Курбоннов 2024 йил июнь ойида қурилишдаги бахтсиз ҳодиса туфайли оёғининг тўпиқ қисмидан пастини йўқотган. Унга ноги-

ронлик белгиланди ва маҳалла томонидан ҳас-са ҳамда протез бошмоқ олиб берилди. Эндilikда унинг жамиятга мослашиши ва ишга қайтиши учун реабилитация дастурига жалб этилиши кутилмоқда.

Ҳасан Жабборов ҳам 1-гурӯх ногирони бўлиб, 8 йил давомида электрон арава олиш учун рўйхатда турган, аммо мурожаати ижобий ечим топмаган. Яқинда унинг ҳаракатланиши учун замонавий электрон арава олиб берилди. Эндilikда Ҳасан ака ҳаётга янада фаолроқ киришмоқда, ўзини эркин ҳис қилмоқда. Ижтимоий ходим ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигидан жуда хурсанд.

“Қатта Вахшивор” маҳалласида эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қувватлаш ишлари бир он бўлсин тўхтаб қолаётгани йўқ. Гулабза Абдуалиева ва маҳалла фаоллари ҳозирда ушбу инсонларнинг тўлақонли жамиятга қайтиши учун реабилитация марказларида юбориш устида ишламоқда. Бу нафақат жисмоний ёрдам, балки уларнинг руҳий бардошини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳаётга қайтишига туртки бериш учун ҳам муҳимдир.

“Қатта Вахшивор” маҳалласи — бу фақат тоғлар этагидagi гўзал жой эмас, балки меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва жипслик маскани. Бу ерда ҳар ким бир-бирига суянади, ёрдам қўлини чўзади. “Еттилик”нинг эзгу амаллари эса маҳалланинг келажак-гини янада ёрқин қилади. Ахир, инсон қалбидан жой олган меҳр, ҳурмат ва эътибор дунёдаги энг катта бойлик эмасми?!

Азизбек МАШРАБОВ, журналист.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ҚАНДАЙ ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР МАВЖУД

Малоҳат КАРИМОВА. Хоразм вилояти:

—Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи шахсларга қандай қўшимча тўловлар мавжуд?

Бекзод МАТНАЗАРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси шўъба мудир:

—Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига мувофиқ “Инсон” маркази томонидан “Йгона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестри юритилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, мазкур қарорга асосан, 2024 йил 1 майдан бошлаб реестрга киритилган ушбу тоифадаги шахсларга ҳар ойда минимал истеъмол харажатлари миқдорида (648 минг сўм) моддий ёрдам жорий этиш вазифаси юклатилган.



Ушбу моддий ёрдам ҳар ойлик уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича озиқ-овқат махсулотлари ва шахсий гигиена товарлари учун бериладиган қўшимча пул тўловлари ўрнига берилишини назарда тутди. Бунда, моддий ёрдамлар реестрга киритилган маълумотларга асосан автоматик равишда тайинланади ёки тўхтатилади ҳамда ҳар ойнинг 3-санасига қадар тўлаш учун тўлов қайдномаларни шакллантирилади. Шунга кўра, жорий йилнинг январь ойида 7 322 нафар, февраль ойида 7 386 нафар, мартда эса 7 549 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ёрдам тўлаб берилди.

ТАҚДИРЛАР

Ногиронлик — чеклов эмас

Бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётини фаол иштирок этиши, ўз салоҳиятини намойиш қилиши учун кенг имкониятлар яратилган. Бухоро шаҳрининг “Моҳиҳосса” маҳалласида японча Фотима Чориева ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланган ва ўзининг продаси, меҳнатсеварлиги билан кўпчиликка ўрнак бўлаётган ёшлардан бири.



Фотимада 2-гурӯх ногиронлиги бўлиб, оилада уч фарзанднинг кенжаси. Болалигидан бошлаб уйда таълим олган. Уй шароитида ўқиш ва ижтимоий ҳаётдан узоқлик унга руҳий босим ва тушкунлик олиб келган. Ташқи муҳитдан йироқлик, жамият билан узилган алоқа

қайта топди, ҳаётга ижобий қарашни бошлади.

Психолог ва ижтимоий ходим биргаликда Фотиманинг бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринларига ариза топширди. Натижада, 2024 йил июль ойидан бошлаб Фотима Бухоро шаҳар Давлат хизматлари мар-

Фотиманинг ўзига бўлган ишончини пасайтирган.

Бундай вазиятда унга “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психолог ёрдам қўлини чўзди. Психологик суҳбатлар, руҳлантурувчи машғулотлар ва индивидуал ёндашув орқали Фотима аста-секин ички кучини қайта топди, ҳаётга ижобий қарашни бошлади.

Психолог ва ижтимоий ходим биргаликда Фотиманинг бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринларига ариза топширди. Натижада, 2024 йил июль ойидан бошлаб Фотима Бухоро шаҳар Давлат хизматлари мар-

казида фаолият юрита бошлади.

Бугунги кунда у олий таълим муассасасининг 3-босқичида, тарих йўналишида таҳсил олмақда. Таълим олиш ва меҳнат фаолиятини бир вақтинчи ўзида юритаётган Фотима келажакка умид билан қарамоқда.

Фотиманинг ҳаёт йўли бизга бир нарсани аниқ кўрсатади: ногиронлик чеклов эмас. Яхши ташкил этилган психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими, энг асосийси, инсоннинг ўзига бўлган ишончи орқали ҳар қандай тўсиқларни енгил мумкин.

Зарнигор НАФИДИНОВА, журналист.



Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Элдор Шомуродов Италиянинг "Рома" жамоаси билан шартномани яна бир йилга узайтирди.



Халқаро олимпия кўмитаси 2028 йили бўлиб ўтадиган XXXIV ёзги Олимпия ўйинларидан бошлаб аёллар бокс дастурини кенгайтирилишини расман эълон қилди.



Республикамизнинг барча маҳалла ёшлари жамоаси иштирокида футбол ва мини футбол бўйича "ДХХ кубоги" мусобақаси ўтказилди.

8

№30 | 2025 йил 12 апрел, шанба

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

БАДАНТАРБИЯ



Боулинг шунчаки кўнгилочар ўйин эмас...

Замонавий ҳаётда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Кўпчилик жисмоний фаолликни ошириш учун турли спорт турлари билан шуғулланади. Шу жумладан, боулинг ҳам нафақат кўнгилочар ўйин сифатида, балки саломатлик учун фойдали спорт тури сифатида эътироф этилади.

Акрамжон ДАДАБОВЕВ, Наманган вилояти спорт бошқармаси бошлиғи.

Парчи бу спорт ўйини унча оғир жисмоний ҳаракатларни талаб қилмас-да, унинг инсон танаси ва руҳий ҳолатига кўрсатадиган ижобий таъсири етарлича.

Рухий саломатлик учун фойдалари. Боулинг, бу — ижтимоий спорт. Ўйин давомида одам дўстлари, оила аъзолари ёки бошқа ўйинчилар билан мулоқотда бўлади. Бу эса ижобий ҳис-туйғуларни кучайтириб, руҳий зўриқиш ва хавотирни камайтиришга ёрдам беради. Айниқса, иш кунидан

кейин боулинг ўйнаш кишига дам олиш ва қайфиятини қўтариш имконини беради. Шунингдек, ҳар бир зарбани амалга оширишда диққатни жамлаш, стратегик фикрлаш ва режалаштириш зарур бўлгани учун бу ўйин ақлий фаолликни ҳам ривожлантиради.

Жисмоний соғлиққа фойдалари. Боулинг ташқи томондан енгил кўринган бўлса-да, аслида, у муайян мушак гуруҳларини ишга солади. Айниқса, қўл, елка, бел ва оёқ мушаклари фаол ҳаракатда бўлади.

Куйида бу спортнинг жисмоний саломатликка бўлган асосий фойдаларига тўхталиб ўтамиз: мушакларни мустаҳкамлайди — боулинг тўпини қўтариш,



Боулингнинг яна бир катта афзаллиги, бу спорт турининг ҳамма ёшдаги инсонлар учун мос келишидир.

силлик ҳаракат билан улоқтириш мушакларни, айниқса, қўл ва бел соҳасини чиниктиради;

мувозанатни ривожлантиради — тўпни тўғри йўналтириш учун ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарур, бу эса танани бошқариш қobiliятини оширади;

юррак-қон томир тизимига ижобий таъсир қилади — ҳаракатда бўлиш юрак уришини тезлаштиради ва қон айланишини яхшилайди;

калория сарфи — ўйин давомида ўртача 150 — 300 калория сарфланиши мумкин (одамнинг вазни ва фаоллигига қараб), бу эса ортқича вазндан халос бўлишга ёрдам беради.

Боулингнинг яна бир катта афзаллиги, бу спорт турининг ҳамма ёшдаги инсонлар учун мос келишидир. Кексалар, болалар, катталар — барчаси ўзига мос оғирликдаги тўплардан фойдаланиб, завқ билан ўйнаши мумкин. Бу эса боулингни оилавий машғулот ёки дўстлар даврасида биргаликда ўйналадиган соғлом ҳордиқ тури сифатида жорий этади.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Болангизнинг овқатланишига эътибор қилинг!

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг овқатланишида юзага келадиган нуқсонлар уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Болаларнинг ҳар томонлама соғлом вояга етишишида уларнинг овқатланишини тўғри ташкил этиш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.



Хулқар ҲАЗРАТОВА, Самарқанд давлат университети одам ва ҳайвонлар физиологияси ва биокимёси кафедраси докторанти.

Бола танасидаги тўқима ва ҳужайралар турли озиқ моддаларнинг етарли миқдорда бўлишини талаб қилади. Агар бу эҳтиёж ўз вақтида қондириб борилмаса, танада у билан боғлиқ нуқсонлар аста-секин юзага келади ва уларнинг қайта тикланиши жуда қийин кечади.

Ҳозирги пайтда кунлик овқатланиш тартибида углеводларнинг ҳиссаси меъёр даражасидан анча юқори бўлиши кузатилмоқда. Бу

ҳолат, асосан, нон ва нон маҳсулотлари, хамирли таомлар, ёрмалар, гуруч ва соф ширинликларни бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан анча-мунча кўпроқ истеъмол қилиниши билан рўй беради. Бир вақтнинг ўзида оксил ва ёғга бўлган эҳтиёж қондирилмасдан, оқибатда танада бу маҳсулотларга бўлган танқислик юз беради. Хусусан, ўқувчи-ёшларнинг овқатланишида юзага келадиган бундай номуносибликлар ва уларнинг давоми бўлиши болаларнинг ўсиши ва ривожланиши, жисмоний ва ақлий қobiliятининг тақомиллашуви, фанлардан ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқ бўлмаслигига олиб келади. Шунинг учун ота-оналарга болаларнинг соғлом овқатланиши учун айрим тавсияларни келтирмоқчимиз.

Жумладан:

- овқатланишда гигиена қоидаларига риоя қилишга доим эътибор қаратинг. Овқатланишдан олдин ва кейин қўлни камида бир дақиқа совунлаб ювишга ёки гигиена воситаларидан фойдаланишга ўргатинг;
- юриб ёки тик турган ҳолатда овқатланишга йўл қўйманг;
- кунлик қабул қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг таркиби, сифати, энергетик қиймати ҳамда бошқа жиҳатларига эътиборли бўлинг;
- уйда ва мактабларда оқилона овқатланишга доир илмий-оммابоп қўлланмалардан болаларни кенгроқ фойдаланишини назорат қилинг;
- сут ва сут маҳсулотлари, мева-сабзавотлар ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилишга шароит яратинг;
- тез тайёр бўладиган ёки ярим тайёр маҳсулотларга ружу қўйиш ҳолатларининг олдини олишга эътибор қаратинг;
- болангизга харид қиладиган ичимлик, йогурт, турли ширинликлар, консерва маҳсулотларининг яроқлилик муддатини қўздан кечиринг;
- ўз вақтида меъёри билан овқатланишга эътибор қилинг. Ҳаддан ташқари кўп овқатланиш ҳам зарарли;
- иссиқ овқат билан совуқ сув ичишига йўл қўйманг.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Ҳар бир неъматни қадрланг!



Аслида, ҳар бир одам ўзига хос бир иқтидор билан дунёга келади. Табиийки, у оила қуриб, рўзғор тебратиш жараёнида қандайдир касб-ҳунарнинг бошини тутати. Шундай кишилар синчковлик билан кузатилса, ўша туғма қobiliятининг танлаган касбига уйғун келгани маълум бўлади. Ана шу ҳолатларни кўз олдимизга келтирсак, ҳаммасини жамлаб туриб, Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: “Агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта (уларни янада) зиёда қилурман” (Иброҳим сураси, 7-оят).

Азимжон КАРИМОВ, Тошкент туманидаги “Эшонхўжа ота” жоме масжиди имом-хатиби.

Хўш, неъмат ўзи нима? Вояга етганимиздан кейин бирор касб-кор қилишимиз — ҳаёт кечирिशимиз учун энг катта неъматдир. Бундан ташқари, атрофимиздаги одамлар, яқинларимиз барчаси ўзига хос неъмат. Аввало, оила, кейин шу оиланинг устун бўлган ота-онамиз бизга берилган бебаҳо неъмат. Навбати билан уларнинг қавму қариндошлари



Абу Хурайрадан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бурни ерга ишқалсин, бурни ерга ишқалсин, бурни ерга ишқалсин”, дедилар. “Эй Аллоҳнинг Расули, кимнинг?” дейишди. “Ота-онаси ёки улардан бири кексалигида улар билан бирга яшаб, дўзахга кирган кишининг”, дедилар.

бўлган инсонлар билан қондошлик воситасида ўзаро боғланамиз: бу — қариндошлик риштаси неъмат. Яна улғайиб борганимиз сайин булар сирасига маҳалла қўшилади.

Ана шундай улғайганимиз сари жамиятдаги мулоқот майдони кенгайиб бораверади. Жамият ҳаётидаги ўзлигимиз қадрига етиш қандай бўлади? Ота-она қадр бу — бутун ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган энг катта неъмат. Чунки улар бизнинг дунёга келишимизга сабабчи бўлган зот-

лардир. Агар кўрсатмага биноан иш олиб борсангиз, унда ҳам ота-онанинг хизматини қилган бўласиз, ҳам улкан савоб қозонасиз. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бир ояти қаримада бундай марҳамат қилади: “Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишини амр этди. (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф!”. дема ва уларни жеркирма! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!” (Исро сураси, 23-оят).

Демак, ота-онага эҳтиром кўрсатишга ҳар бир фарзандда мажбурият бор бўлиб, ҳар ким ўз тушунчаси бўйича муносабат қилишга йўл йўқ экан. Ота-онасини эҳтиром қилиб, ҳурматини жойига қўйган инсон борки, шу дунёдаёқ хурмат-эътибор қозонишга ҳеч шубҳа йўқ. Уларнинг дуолари шарофатидан икки дунёмиз обод бўларкан. Айнан шу ишларга бепарво бўлганларнинг тақдири қандай бўлиши ҳам айтиб қўйилган. Абу Хурайрадан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бурни ерга ишқалсин, бурни ерга ишқалсин, бурни ерга ишқалсин”, дедилар. “Эй Аллоҳнинг Расули, кимнинг?” дейишди. “Ота-онаси ёки улардан бири кексалигида улар билан бирга яшаб, дўзахга кирган кишининг”, дедилар.

Оддий қилиб айтадиган бўлсак, бизга берилган неъматлардан манфаат топишимиз учун уларнинг

қадрига етиш зарур. Буларни билиш учун эса кенг жамоатчилик кўпроқ газета, журнал ва китоб ўқиши керак бўлади. Чунки бугунги куннинг ҳолатини равшан ва ёрқин кўрсатиб берадиган матбуотдан маърифат топиш — энг қулай воситадир. Бу маърифат тарқатувчи воситалар орқали ўзимизни таниб олиш осонлашади. Шунинг учун катта марралар томон интилаётган ҳар бир инсон, аввало, ўзини таниб олиш баробарида берилган неъматларнинг қадрига етар экан. Бу ҳолда неъматлар янада зиёда бўлиши маълум.

Шунда, аввало, ўз-ўзимизни таниб оларканмиз, давомида ота-онага эҳтиром кўрсатиш, маҳалладошлар билан мулоқотни самимий ҳолга келтириш каби эътиборимиздан четда қолаётган ҳолатларни тўғрилаб, барчасини қадрлашга йўл очиларкан. Ойлада, маҳаллада муносиб ўринга эга бўлишни кенг жамоатчиликка нисбатан қиёсласак, ҳаётда муносиб ўрни борлигини англайди. Бу олтин занжир давом этаверади. Ойла, маҳалла, ишхона ва ниҳоят ватанимиз миқёсида ўз ўрнини аниқ кўра олади.

Бу билан айтишимиз мумкин, ўзимизни таниб олиш баробарида ҳар бир нарсанинг қадрига етиш онгимизда доимий шаклланган бўлади. Демак, кўз ўнгимиздаги сон-саноксиз неъматларнинг қадрига етсак, албатта, бундан-да зиёдалошиб бориши қувонарли ҳол.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОВ
Дизайнер: Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 470 нусхада чоп этилди. Бюджет №: Г-420

